

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Тожалиев Инновацион ривожланиш – жамиятнинг янги тараққиёт босқичида муҳим омил	66
АДАБИЁТШУНОСЛИК	
Н.Каримов Исҳоқхон Иброт: янги маълумотлар.....	69
Ҳ. Худоймуродова “Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти”да биографик метод.....	74
О.Абобакирова Ўзбек болалар ҳикоячилигининг услубий хусусиятлари	77
ТИЛШУНОСЛИК	
М.Ҳакимов, М.Ғозиева Овоз тембрининг функционал хусусиятлари.....	81
Р.Шукуров, Г.Жўрабоева Исҳоқхон Ибротнинг «Фарғона тарихи» асарида водий топонимлари таҳлили	87
О.Бегимов Қўшма таркибли оронимларнинг ясалишига доир	92
ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ	
Л.Ахмедова Инновацион таълим технологиялари орқали олийгоҳ талабаларини инглиз тилида сўзлашга ўргатиш	96
Ж.Жалолов Чет тили ўқитиш мазмунини тайёрлаш ва ўргатиш методикаси (методологик нуқтаи назар).....	101
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
А. Ўринов, Г.Собиржонова Функция ҳосиласининг тенгламалар ечишга татбиқи.....	105
Д.Орипов Қаср тартибли оддий дифференциал тенглама учун локал ва нолокал шартли чегаравий масала ҳақида	108
Н.Тўхтасинова Псевдоқавариқ соҳалар ва уларнинг хоссалари	111
Ф.Исматуллаев, С.Ахмедова Ўзбекистон – Италия ҳамкорлигининг айрим масалалари	113
М.Усманов Фуқаролик жамиятининг маданий ва гуманитар жабҳалари.....	115
М. Раджабова Фарғона вилояти шаҳарларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи (1917 – 1924 йиллар)	118
Б.Бахриддинова Билвосита ва бевосита таржимада реалиялар.....	121
З.Жўраева, Н.Ўсарова, Н.Дўлтаева Салиҳ Бишакчи томонидан Абдурауф Фитрат асарларининг қиёсий таҳлили	124
И.Ҳожалиев, И.Аҳмаджонов Термин ва талқин муаммосига доир	127
Б.Қурбонова, З.Каримова Ўзбек ва қирғиз тиллари лексикасида макон семали лексемаларнинг ифодаланиши.....	130
Г.Икромова Шароф Бошбеков драмаларининг айрим фонетик хусусиятлари	132
ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ	
Ўзбек тилшунослигининг фозил сиймоси	135
БИБЛИОГРАФИЯ	
Библиография	137

БИЛВОСИТА ВА БЕВОСИТА ТАРЖИМАДА РЕАЛИЯЛАР

Б.Бахриддинова

Аннотация

Мақолада В. Шекспирнинг “Отелло” трагедияси мисолида реалияларнинг ўзбек тилига таржималари таҳлилга тортилган.

Аннотация

В статье на примере трагедии В. Шекспира “Отелло” анализируются переводы реалий на узбекский язык.

Аннотация

This article is analyzed the translation of realie into Uzbek language of W. Shakespeare's tragedy “Othello”

Таянч сўз ва иборалар: таржима, билвосита, бевосита, реалия, В.Шекспир, Яго.

Ключевые слова и выражения: перевод, непосредственный, опосредствованный, реалия, В. Шекспир, Яго.

Key words and expressions: translation, realie, direct, indirect, W. Shakespeare, Yago.

Реалия сўзи лотинча *realia*дан олинган бўлиб, у *ашёвий*, *ҳақиқий* деган маъноларни англатади. Лингвистик атамалар луғатида унга қуйидагича таъриф берилади: “Борлиқдаги ашёвий маданият натижаси, мумтоз грамматикада эса муайян мамлакатнинг давлат қурилиши, муайян халқнинг тарихи ва маданиятини ифодаловчи сўзлар, муайян тилда мулоқот қилиш хусусиятларини ифодаловчи лингвистик бирлик” [1.381].

Аммо реалияларни таржима қилиш қоидалари икки тиларо ёки бир неча босқичли, билвосита таржималарда бу жиҳат қайси тилдан қайсинисиникига ўгирилишига қараб ўзгариб бораверади. Профессор Ғайбулла Саломовнинг ҳар бир ёзувчи, шоир ёки драматург услубининг ўзига хослиги у яратган асарда турлича матнлар кашф этилганлиги муносабати билан ранг-баранг кўриниш беришини таъкидлайди [2]. Шу боис, реалиялар таржимаси ҳам ҳар бир асарда ўзига хос томондан намоён бўлиб бораверади.

Реалияларнинг муайян колоритни акс эттириш хусусиятлари тўғрисида ХХ асрнинг 50-йилларида тилшунослар баҳс юрита бошладилар. Баҳс-мунозараларда илгари сурилган фикрларни таҳлил қилиш натижасида реалияларга баҳо беришда икки хил қараш борлиги намоён бўлади. У ҳам бўлса, реалияларга таржима нуқтаи назаридан қараш ҳамда мамлакатшунослик асносида ёндашишнинг мавжудлиги эди.

Муайян сўзнинг реалия тарзида пайдо бўлиши, аввало, ўша реалия яратилган ҳудуд, мамлакат, миллат, элат билан боғлиқ бўлишини ҳам назардан қочирмаслик лозим. Таниқли таржимашунос олим В.М.Росселснинг таъкидлашича, реалиялар – таржима

қилинаётган тилга кириб келган ва аслият тилида муайян миллий, маҳаллий нарса ва предмет ёки тушунчаларнинг номини ифодалайдиган сўзлардир. “Адабиётшунослик терминларининг қисқача энциклопедик луғати”да реалияларга бирмунча батафсил изоҳ берилган: “Реалиялар – у ёки бу халқнинг тарихи, маданияти, маиший ҳаёти ёки яшаш даврига мансуб предмет, тушунча ва воқеа-ҳодисаларни ифодаловчи хос сўзлардир. Реалиялар сўз бирикмалари, фразеологизм, мақол, матал ҳам бўлиши мумкин.

Лингвистик таржимашуносликнинг йирик назариётчиларидан бири бўлган Л.С. Бархударов реалияларга бир қадар мухтасар таъриф берган: “Реалиялар – шундай сўзларки, улар бошқа тилда гаплашувчи халқларнинг тилларида, амалий ҳаётларида мавжуд бўлмаган лексик бириклардир.” А.В.Фёдоров ушбу таърифга танқидий қарайди. Унинг фикрича, реалиялар фақат сўзлар эмас, балки муайян халқнинг ҳаётидаги нарса, предмет ва воқеа-ҳодисаларнинг номини ифодаловчи сўз ва сўз бирикмаларидир. Ушбу олим реалиялар ҳақида эмас, балки реал ҳаётда мавжуд нарсаларнинг номлари ҳақида гапиришни тавсия этади [3. 123].

Назаримда, реалиялар тўғрисида ҳақиқатга яқин таърифни С.Влахов ва С.Флоринлар берганлар. Унга кўра: “Реалиялар – муайян бир халқнинг ҳаёти, турмуши, урф-одатлари, маданияти, ижтимоий тараққиётига оид нарса, предмет, воқеа-ҳодисаларни ифодаловчи сўз ва сўз бирикмалари бўлиб, улар миллий ва даврий хусусиятга эгадирлар.” Реалияларнинг муҳим хусусияти улар ифодалайдиган предметнинг моҳиятидан келиб чиқади. Муайян халқнинг турли тарихий

даврлардаги ҳаёт тарзи, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти реалияларнинг моҳиятига албатта ўз таъсирини кўрсатади. Ана шунинг учун ҳам реалиялар тўғрисида гапирганда, албатта, миллий ўзига хослик ва тарихий колорит масаласини четлаб ўтиб бўлмайди. Чунки реалиялар ҳар қандай ҳолатларда ҳам бир вақтнинг ўзида миллий ва тарихий бўёққа эга бўладилар. Бу эса уларга алоҳида муносабатда бўлишликни талаб қилади.

Демак, бугунги жаҳон таржимашунослигида реалиялар таржимаси борасидаги ишончли тадқиқотлардан бири сифатида эътироф этиб келинаётган болгар олимлари С.Влахов ва С.Флоринларнинг “Непереводимые в переводе” (1980) рисолида [4] фақат муайян халқагина мансуб бўлган ва бир тилдан иккинчисига сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайдиган маданий-маиший сўзлар *реалиялар* деб юритилади. Профессор F.Саломовнинг ушбу сўзларни *хос сўзлар* [2] деб аташи ҳам бежиз эмас. Мутахассислар реалиялар сирасига унинг географик қамровини янада кенгайтириб, жумладан, немис-инглиз ёки роман-герман, гоҳида Ғарбий Европа ва ҳатто насронийликка оид атамаларини ҳам қўллаиб келадилар [5]. Демак, реалиялар фақат муайян халқагина эмас, балки бир-бирига худудий, диний ва урф-одатлари яқин халқлар бирлиги ҳам кириши мумкинлигини назарда тутиш лозим. Реалиялар сирасига *профессионализмлар* деб аталувчи муайян *касб-хунар, соҳага оид хос сўзлар* ҳам киритилади. Одатда, бадий адабиётда бундай сўзлар фаол фойдаланилади. Буюк инглиз драматурги Шекспир ҳам бундан мустасно эмас. Бугунги ўзбек таржимашунослигида билвосита ва бевосита таржиманинг ўзига хос томонлари масаласига муайян даражада муносабат билдирилган бўлишига қарамай, ҳали В. Шекспир асарлари таржимаси мисолида бу масала етарлича ўрганилмаганлиги маълум бўлади.

Шекспир трагедиялари, хусусан “Отелло” трагедиясида драматург [6] ана шундай сўзлардан бир нечасига мурожаат қилган.

Бутун фитна фасодларнинг бошида турган малъун Яго қилмишлари, унинг бундаин қабиҳ усулларда ўч олишини Шекспир жуда катта маҳорат билан тасвирлайди. Ягонинг гумаштаси Родригога айтган мана бу сўзларига эътибор қаратайлик:

Iago

(Aside) O, you are well turned now!

But I'll set down *pegs* that make this music,

As honest as I am.(p.10)

Жамол Камол таржимаси:

Яго (Четга):

О, жудаям созлангандир юракларингиз,

Фақат мен уларга жиндек *тикон* санчаман,

Ўзгаради пардаси ҳам, таронаси ҳам. (232 б.)

Анна Радлова таржимаси:

Яго (в сторону).

Ваш лад хорош теперь.

Но я спущу *колку* на инструменте,

-

В том честью я клянусь.

Ғафур Ғулом таржимаси:

Яго (бир четга).

Созингиз ҳам, пардангиз ҳам жуда жойида.

Аммо мен ҳам бу *рубобга тикон* қадайман

Ва шу ишни бажаришга ваъда бераман. (216 б.)

Инглизча аслиятдаги *peg* сўзини:

1) Кольшек, деревянный гвоздь (ёғочдан ясалган мих);

2) Колок музыкального инструмента (мусиқий асбобга созлаш учун ўрнатилган ёғоч мих) тарзида ифодаланган [7.556].

Шекспир *peg*(ёғоч мих) сўзини бежиз қўлланмаган. Ёғоч мих ёрдамида симли муסיқа асбоблари созланади. Унга ўралган симларни турли томонга тортиш орқали муסיқа асбоби пардаларга мослаб созлаб чиқилади. Шекспир бу сўздан ўзига хос мажозий маънода фойдаланади. Аниқроғи, бу ёғоч мих Отелло билан Дездемонанинг севги пардаларини бир-бирларига созлашда, мутаносиб қилишда қўлланади. Яго ана шу пардалар мутаносиблигини бузиш илинжига тушади ва нутқида ушбу сўзни қўлланилади.

Рус таржимони унга муқобил *колок* (ёғоч мих) сўзини ишлатган. Айни пайтда ҳар икки ўзбекча таржималарда бир оз ўзгачароқ йўл тутилган. Аниқроғи, бошқа сўз билан алмаштирилган. Аслиятдаги маҳаллий бўёққа эга бўлган касб-хунарга оид реалия биринчи таржима (Ғафур Ғулом)да. Европа муҳити, Италия (Венеция) воқелигида амал қиладиган мусиқий асбобни созлашга нисбатан *рубоб* киритилган. Бундай тамойил эса, аслиятни бузишга олиб келади. Иккинчи, бевосита

таржимада эса, Жамол Камол [8,232] бу камчиликни тузатган. Тўғри, у асосий эътиборни айнан ёғоч миҳга эмас, балки севишганларнинг юрагига қаратган бўлса-да, унга ёғоч миҳ эмас, балки унга муқобил бошқа нарса – тикон санчишни маъқул кўради. Аммо таржимада маъно устуворлиги таъминланган. Муаллифнинг муддаоси таржимада адекват акс эттирилган. Муҳими, аслиятдаги тарихий-миллий хосликка путур етказилмаган.

Мақсадимиз маҳир таржимон Ғафур Ғулумнинг таржимонлик маҳоратига шубҳа билан қараш эмас. Таржима–ижтимоий ҳодиса. Ҳар бир таржима ўз даврининг маҳсули. Ҳар қандай чинакам таржима муайян анъаналар асосида амалга оширилади. Билвосита таржима ўша пайтда анъанага кирган экан, унинг ижод самаралари узоқ пайтлар халқимизнинг жаҳон адабиёти дурдоналаридан баҳраманд бўлишига ёрдам берганлигини ҳеч ким инкор қила олмайди.

Шу ўринда Ғафур Ғулум қалам тебратган даврда жаҳон адабиёти дурдоналари асосан рус тили орқали бошқа қардош халқлар, жумладан, ўзбек тилига таржима қилинганлигини таъкидлаш керак эди. Ғафур Ғулум Шекспирнинг “Отелло” трагедияси [3]ни инглизча аслиятдан эмас, балки унинг Анна Радлова амалга оширган русча матнидан ўгирган [8]. “Отеллода” инглизча аслиятда castle (қалъа) сўзини ҳам учратамиз. Рус таржимони буни *крепость* тарзида ўгиради.

Бунга асосланган Ғафур Ғулум қалъа вариантдан фойдаланади. Аммо Жамол Камол негадир қўрғонни маъқул кўради. Бизнингча, инглиз тилидаги - 1) замок, дворец; 2) твердыня, убежище; 3) шахмат, ладья каби вариантлари борлиги айтилади [7.122]. Демак, бу сўз аввало қалъа, қаср маъноларига эга эканлиги маълум. Бундан ташқари, Жамол Камол ишлатган “қўрғон”ни зодагон капитанга нисбатан қўлланиш тўғримики? – деган савол туғилади.

Демак, билвосита ва бевосита таржимада аслиятдаги тарихий-миллий ўзига хосликни қайта яратиш масаласи Шекспир асарларида ўзига хос томондан намоён бўлади. “Отелло” трагедиясида касб-ҳунарга оид реалиялар ўз даври тарихий-миллий ўзига хослигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этган бўлиб, бу жиҳатни ўзбекча таржимада қайта яратиш билвосита ва бевосита таржималарда турлича намоён бўлган; Ғафур Ғулум томонидан амалга оширилган билвосита таржима XX асрнинг 60-йилларига, собиқ Иттифоқ даврида ўзбек адабий тилига русизмларнинг кучли таъсири мавжуд бўлган даврга тўғри келганлиги боис, мутаржим кўплаб профессионализмларни айнан ифодалаш, транскрипциялаш билан чекланган. Бевосита инглизча аслиятга таяниб иш кўрган Жамол Камол таржимасида биринчи таржимадаги камчиликлар бартараф этилган.

Адабиётлар:

- 1.Томахин Г.Д. Америка через американизмы. -М., 1982.
2. Саломов Ф. Таржима назариясига кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1978.
- 3.Шекспир. Пьесалар. – Т.:Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1960; Вильям Шекспир. Отелло. Пер. А.Радловой. Вильям Шекспир.Избранные произведения. Редакция текста, вступительная статья и комментарий А. А. Смирнова. -Л.: Художественная литература,1939; Вильям Шекспир. Отелло. Инглиз тилидан Жамол Камол таржималари. – Т.: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991; Русско-узбекский словарь. Под редакцией Р.Абдурахманова. -М.: Государственное издательство национальных и иностранных словарей. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти,1991.
4. Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1979.
4. Влахов С., Флорин С. Непереводимые в переводе. Перевод с болгарского на русский М.Топера. – М.: Просвещение, 1980.
5. SchreiberM. GrundlagenderUebersetzungswissenschaft. – Tuebingen: NimayerVerlag, 2006.
- 6.The Tragedie of Othello, the Moore of Veniceby William ShakespeareJuly, 2000. <http://www.nosweatshakespeare.com/othello-play/text-act-1-scene-1/>
- 7.English-Russian dictionary. В.К.Mueller. – Moscow: Enzuclopedia, 1968. 70Thousand words. 990 p.
8. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. -М., 1966.
- 9.Вайсбурд М.Л. Реалия как элемент страноведения. -Рязань, 1972.
- 10Соболев Л.Н. Пособие по перевода с русского языка на французский.-М., 1952.
- 11.Россельс В.М. Реалия. – КЛЭ, Т.6. -1971.
- 12.Бархударов Л.С. Язык и перевоу. – М.: Международные отношения, 1971.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори.)